



Qo'qon DPI

ILMIY XABARLAR

ISSN: 3030-3958

№ 6/2025

АСҚАР МАҲКАМ ШЕЪРИЯТИДА МАВЗУ РАҲГ-БАРАҲЛИГИ <i>Қудратова Муборак Шухратовна</i>	939
ABDULLA QAHHOR VA G'AFUR G'ULOM HIKOYALARIDAGI MUSHTARAK JIHATLAR <i>Sattorova Gulrux</i>	948
FRAZEOLOGIZMLAR ICHIDA ANTROPONIMIK KOMPONENTLI BIRLIKLAR <i>Abduhakimova Madinaxon Kamolovna</i>	952
STUDY OF PHRASEOLOGICAL UNITS WITH PLANT AND ANIMAL COMPONENTS IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES <i>Abduqayumova Sanobar Abdurashidovna</i>	958
ADAPTATION IN BORROWINGS: THEORETICAL BACKGROUND IN ENGLISH AND UZBEK <i>Ziyod Sharipov</i>	965
XALQARO MADANIYATLARARO KOMMUNIKATSIYA JARAYONIDA LINGVOMADANIY TUSHUNCHALARNING O'RNI <i>Adizova Nilufar Istamovna</i>	970
AFSONALAR OMON MATJON TALQINIDA <i>Sitora Alxiyeva Raximqul qizi</i>	978
ABDULLA QODIRIY OCHERKLARI VA HIKOYALARIDAGI LAQABLAR VA ULARNING MA'NOVIY XUSUSIYATLARI <i>Bafoyeva Nigora Azimovna, Akbarova Mohina Rasul qizi</i>	983
MURAKKAB SINTAKTIK BUTUNLIK TARKIBIDA KO'CHMA MA'NOLI BIRLIKLARNING SINTAKTIK-STILISTIK UYG'UNLASHUVI <i>Amanov Abdijabbor Sattarovich</i>	987
ECONOMIC TERMINOLOGY: FUNDAMENTAL PRINCIPLES AND METHODOLOGIES FOR SPECIALIZED COMMUNICATION <i>Durdona Khamidova</i>	993
YADRO IKKI KARRA PREDIKATIV 1 VAZIFASIDAGI SINTAKSEMALARNING KOGNITIV XUSUSIYATLARI <i>Asadova Gavhar Teshabayevna</i>	997
NAZAR ESHONQULNING "QORA KITOB" ASARI BADIY TILI <i>Xurramova Sevinch Husan qizi</i>	1005
OKSIMORONNING LINGVISTIK KATEGORIYA SIFATIDA O'ZIGA XOS SEMANTIK VA STILISTIK VAZIFALARI <i>Axmedova Dildoraxon</i>	1009
AKADEMIK AZIMJON HOJIYEVNING ILMIY MEROSI VA TILSHUNOSLIKDAGI O'RNI <i>Bobojanova Zilola Erkinovna</i>	1016
URUSHNING INSON TAQDIRIGA TA'SIRI MASALASI <i>Ergashov Bekzod Jahongir o'g'li</i>	1019
SIDNI SHELDONNING "TAQDIR TEGIRMONI"ASARIDA QO'LLANGAN KOLLOKASIYA VA IDIOMALARNING O'ZBEK TILIGA TARJIMASI TAHLILI <i>Bekzod Xamrayev, Abdixamidullo Kholmonovich Azimov</i>	1025
CHALLENGES OF IMPLEMENTING MODERN LANGUAGE TEACHING METHODS IN RURAL AREAS OF UZBEKISTAN <i>Akhmedova Azizakhon Utkirzhon kizi</i>	1036
"DOMBEY AND SON" ROMANIDA RAMZLAR, OBRAZLAR VA MUHIT TASVIRINING O'RNI	1044



UDK – 801. 611.

АСҚАР МАҲКАМ ШЕЪРИЯТИДА МАВЗУ РАНГ-БАРАНГЛИГИ

Қудратова Муборак Шухратовна

*Бухоро давлат унивеситети Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси
илмий изланувчиси*

muborqudratova@gmail.com

Annotatsiya. Асқар Маҳкам серқирра ижод соҳиби. Унинг шеърлятида Ватан, эрк, юрт мустақиллиги, ишқ, соғин, муҳаббат каби қатор мавзулар етакчилик қилади. Мақолада шоирнинг бадиий тафаккури ва истъдоди маҳсули бўлган шеърларининг мавзулар кўлами ҳақида фикр юритилади. Таҳлил жараёни шоирнинг сўз mahoratiga doir mulohazalar o'rtaга tashlanadi.

Tayanch so'zlar: гоя, маҳорат, ватан ва юрт мустақиллиги, тарих, ҳаёт ва ўлим бағишлов.

Аннотация. Асқар Махкам – мастер творчества. В его поэзии преобладает ряд тем, таких как родина, мужественность, независимость страны, любовь, тоска и любовь. В статье рассматривается круг тем стихотворений поэта, являющихся продуктом его художественного мышления и таланта. В процессе анализа выявляются комментарии к словесному мастерству поэта.

Ключевые слова: идея, мастерство, независимость Родины и страны, история, самоотверженность.

Annotation. Askar Maxkam is a master of creativity. A number of themes predominate in his poetry, such as the homeland, masculinity, the independence of the country, love, longing and love. The article discusses the range of topics of the poet's poems, which are the product of his artistic thinking and talent. In the process of analysis, comments on the verbal skill of the poet are revealed.

Key words: idea, skill, homeland and country independence, history, life and death dedication.

Кириш. Асқар Маҳкам ўзбек шеърлятига ўзига хос овоз билан кириб келди. Унинг шеърларида ҳаётнинг моҳияти, тириклик фалсафаси, умрнинг маъноси сержило, куюк ранг ва оҳангларда ифодаланган.

Асқар Маҳкам ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти шундаки, улар эзгулик, юксак инсоний идеалларга чорлаш билан бирга ёмонлик - ҳар бир тажовуз, кинғирлик, ёмонлик ортида муқаррар жазо, ҳадсиз азоблар борлигидан огоҳликка даъват уфуриб

туради. Шу боис, унинг шеърларида Жалолиддин Румий, Алишер Навоийнинг мағзи бутун ҳикматларини, Турди Фароғий ва Завқий битикларига хос исёнкорликни, Шавкат Раҳмон ва Аъзам Ўктам шеърларидаги шиддат, шижоат, жўмардликни кўриши мумкин.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Асқар Маҳкамнинг шеърларида шоир дунёқарашида пишиб етилган муҳим ғоя маҳорат билан сингдирилган. У бутун халққа тегишли муаммоларни: ҳурфикрлилик, озодлик ғояларини, тасаввуф адабиётига хос руҳий покланиш, маънавий юксалиш, оламни идрок этиш жараёнларини бир шеър бағрига сингдира олган истеъдодга эга.

Асқар Маҳкамнинг шеърлари бир қарашда руҳ ва тафаккур озодлигига ташна одамнинг кўшиғига, ўзини излаётган банданинг муножотига, ўзини ўзи сўроқ қилаётган мурасасиз донишмандга, ҳақ йўлида барча қийинчилик ва мушкулотларни назар-писанд қилмайдиган матонатли, ўз сўзида собит курашчига ўхшаб кетади. Аслида ҳар қандай яхши асар китобхонга ўзига тегишли, юрагига доир ниманидир эслатади, ўқувчи ўзига тааллуқли ҳислар, кўнглида кечган туйғулар тасдиғини топган асарларни маънавий-руҳий эҳтиёж ўлароқ қабул қилади.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Асқар Маҳкам шеърларини мавзуига кўра шартли равишда қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1. **Ватан ва юрт мустақиллиги:** “Насиба” “Биби эна”, “Ашқал-дашқаллар”, “Ибтидоий одамнинг маломати”, “Қотиллик”, “Одам-Ватан”.
2. **Тарих:** “Нух тўфони ёхуд...”, “Ҳисор бегининг сўнгги туни”, “Азим Марқа ҳақида кўшиқ”, “Учинчи жаҳон уруши манзаралари”, “Хўжанд сори, Кўхна Урганч”, Бухорода (Мавлоно Садриддин Салимга”).
3. **Ҳаёт ва ўлим:** “Бальзакнинг ўлими”, “Шукур Бурҳон марсияси”, “Шоир Равшан Файз хотирасига”, “Синглим Шаҳринисо хотирасига”, “Мазорат қошида”, “Бир кун кетар бўлсам”.
4. **Соғинч:** “Соғинч”, “Кофарниҳон”, “Бир кун азоб билан кўз юмаман мен...”, “Мен ҳамон эслайман”.
5. **Табиат:** “Манзара”, “Куз олди”, “Бу ёмғирли ҳазин кечада”, “Менинг дарёларим”, “Тун шеъри”, “Куз”, “Чиқиб олдим чуқур бир тундан”, “Номозшом ўйлари”, “Табиий кўшиқ”, “Оғир-оғир қуюлар туман”, “Чарсиллаган ёмғирли тунлар”, “Бу берух боғларда сену мен танҳо”, “Умри басар чорсуларида”, “Телба”, “Дарбадар”, “куз, келдингми, она?”, “Ёд эт”.
6. **Ухровий:** “Бу Ишқ доғулидир”, “Иймоннинг кифтида...”, “Баҳоуддин Нақшбанд дейди”, “Ғам-ғуссага”, “Ном-нишон қолмади”, “Барча бунёд, барча бебунёд”, “Талваса”, “Муриднома”, “Дуо”, “Вужуд ва руҳ”, “Руҳнинг қайтиши”, “Малаклар”, “Имтиҳон”.

7. **Ишқий интим:** “Ёввойи муҳаббат ҳақида қўшиқ”, “Ботинсиз одам”, “Сўнгсиз савол-жавоб”, “Мен яшайман”, “У кунлар”, “Қолиб кетгай хув йироқларда”, “Кездик бу дунёни”.
8. **Кўнгил** (руҳият, ҳолат, кайфият, кўнгил майллари билан боғлиқ шеърлар) “Бугун яна ёлғизлигим...”, “Чўқмор тутган тоғ йўлларида”, “Яна бўм-бўш узанларда”, “Кимга айтдинг?”, “Туманларнинг тўниқ чангидан”, “Энди бу ерларга сайёдлар келар”, “Сўнгги афсона”, “Ўзим билан танҳо”.
9. **Бағишлов:** “Менинг дарёларим”, “Бобораҳим Машрабнинг онаизорига қасида”, “Яссавий”, “Накшбанд қасидаси”, “Шавкат Раҳмон”, “Достоевский”, “Алишер Навоийнинг сўнгги кунлари”, “Акам Анварга”, “Маҳмулага мактуб”, “Опам Латофатга мактуб”, “Опамга мактуб”, “Ўғлим Бобурга”, “Муҳаммад Иқбол”, “Ўғлим Муҳаммад Довудга”, “Опам Латофатга”, “Жияним Шералига”.
10. **Бувисига аталган шеърлар** ҳам алоҳида туркумни ташкил қилади.: “Бу уйда бир вақтлар бувим яшаган”, “Бувимга мактуб”, “Бувим, ман, болалик ва итимиз ҳақида”, “Биби эна”, “Бувимга юборилмаган мактуб”, “Бувимга аталган шодон қўшиғим”, “Бувим билан хайрлашувим”, “Мен бувимни эсладим яна”, “Сен кўча кўрмаган бир аёл эдинг...”, “Бувим ёлғиз қолди сандал четида”, “Жаннатмакон бувим вафотидан бир йил кейин йўқловларим”, “Ёднома” кабилар.

Айтиш мумкинки, ўзбек шеърлятида буви образини бош образлардан бирига айлантирган шоир Асқар Маҳкамдир. Бу бевосита шоир биографияси билан боғлиқ. Турмуш зиддиятлари сабаб бувиси билан қолиб кетган шоирни бувиси оналик меҳру муҳаббати билан катта қилади; емай едиради, киймай кийдиради; оқ ювиб, оқ тарайди. Ана шу туганмас инсоний меҳру муҳаббат шоир қалбидан чуқур жой олади ва йиллар ўтиб ўзбек шеърлятида янги бир йўналишнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Асқар Маҳкамнинг бувига бағишланган шеърларида адабиёт ва ҳаёт диалектикаси, сўз санъатининг ҳаёт билан жуда қаттиқ боғланганлиги кўзга ташланди.

“Истиқлол даври адабиёти ҳам, шеърляти ҳам осмондан учиб келиб олдимизга кўнган сайроқи куш эмас, – деб ёзади Н.Раҳимжонов, – Асло, Унинг ўқ томирлари ўтмиш асрларга – мозийга қараб кетганлигига шак келтириб бўлмайди. Бироқ ҳар қанақасига айлантириб қарамайлик, мустақиллик даврида яратилган адабиётнинг салаф даврларниқидан ажратиб турадиган ўз қиёфаси борлиги ҳам очик ҳақиқат”¹. Мунаққид ҳақли эътироф этганидек, бу даврда яратилган ва яратилаётган шеърлар исломий қарашлар билан ҳам синтезлашди. Уҳровий йўналишдаги шеърларда ҳам ўзини сўроққа тутаётган, банда сифатида зиммасидаги масъулият ва бурчини бекаму-кўст бажаришга аҳд қилган, ўз-ўзидан норози ва ўзини ислоҳ қилишга киришган инсон тасвирлана

¹ Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърляти.// Шеърлят идрок элагиди. Т.: Фан, 2007, 258-б.

бошланди. “Ижтимоийликдан узоқ, руҳият манзараларининг турфа кўринишлари аксланган шеърятни кўлами ва даражасига кўра таснифлаганда ишқий, интим, тарихий мазмундаги, ухровий, ватан ва унинг озодлиги ҳақидаги, ўлим мавзусидаги ҳиссиётга ва туйғуга бой кўнгил битиклари етакчилик қилади”². Бошқа мавзулар эса шулар атрофида ёки шуларга яқинлашишга интилишдек таассурот уйғотади.

Асқар Маҳкам тақвим шоири эмас, у ватан озодлиги, халқ мустақиллигини саналар муносабати сабаб шеърга соладиган шоир эмас. Шоир манфаатпараст, яллачи қаламкашлардан фарқли ўлароқ, бу мавзуларни ички бир дард, сўнгсиз қайғу деб билди. “Ватаннинг қайтиши” шеъридаги қуйидаги сатрлар фикримизга мисол бўла олади:

“Таҳоратсиз “уламо”ларнинг
ғоят силлиқ юзларин йиртиб
этакларин кўтариб ташлаб
шармандалар маъракасидан
қочиб чиққан Машраб сингари
қайтиб келди Ватанга Ватан...”³

“Дунёда жуда кўп халқлар мустамлака асоратини бошдан кечирганлар, аммо ҳеч бир халқ шўролардек мустабид тузум ваҳшатини яшаган эмас. Инсоният тарихида биринчи бўлиб Яратган Холикни расман инкор қилган тузум ҳам шу эди” деб ёзади “Сўнгги дарвеш” асари муқаддимасида. “Сўзни Қуръон билган шоирлар”га эътимоди юксак шоирнинг ватан озодлигига бағишланган бир шеърини келтирамиз:

“Тўнтарилиб ётар
ёввош адирлар
қамишзорлар тарар соқолларини
походда иситар чайир кампирлар
латтага чирмалган даҳоларини...”⁴

Тасвирланаётган адир, қамиш, кампир ва ниҳоят латтага чирмалган даҳо ночорлик қаршида ожиз қолган, йўқчилик сабаб чуқур хаёлга ботган, ўз жигарбандин асраб қолиш учун уни походда иситиб, латтага чирмаган чайир кампир XX асрдаги ўзбекнинг ҳаёт тарзи. Уни бундай аҳволга тушишига сабаб юрт тепасида турганларнинг худбинлиги, амалпарсатлиги, бойлик, мансабга ўчлиги ва қуллиги, ўз манфаатини бошқалар манфаатидан устун қўйиши. Агар шундай бўлмаганида юрт аввал чоризм, кейин шўролар мустамлакасига айланмаган бўларди. Ҳокимият тепасига келган мустамлакачилар халқнинг тили, дини, маданиятини, қадри, эътиқоди, шаънини оёқости қилиши табиий.

Ой менгзар тупроқда ётган кучукка

² Қаранг: Ҳамдам У. Янгиланиш эҳтиёжи. – Т.: Фан, 2007.78-б.

³ Асқар Маҳкам. Ҳақ Nurafshon business”. Тошкент-2021. 220-бет.

⁴ Олим Тошбоев. Ҳақ ошиғи ёхуд чин маънода шахс бўлиб ўтган адиб. <https://uza.uz/uz/posts/a-oshi-i-yekhud-chin-manoda-shakhs-b-lib-tgan-adib--15-08-2020>

булут соясидек оғир аёллар...

Сукротдек тикилар ҳатто ўликка

эшакдан бир умр тушмаган чоллар...

Табиат тасвири ва реал воқеликнинг ёнма-ён акслантирилиши шеърнинг таъсир кучини оширади, миллий колоритга хос бўлган манзара эса китобхон кўз ўнгида шарқона муҳитни гавдалантиради. Гарчи улар моддий жиҳатдан бой, қўли узун бўлмасада, виждони уйғоқ, қалби бутун, юраги тоза кишилар.

Минг савдо ўрлайди қизғиш бошида

иймони саломат

шундан кўнгли тўқ...

Ва ҳар бир мазорнинг битиктошида

гапиргандек бўлар Билга, Тўньюқук...

Билга ҳоқон юрт эгаси, Тўньюқук унинг саркардаси, улар биргаликда Турк ҳоқонлигини юксалтирган, ташқи душманлардан ҳимоя қилган, юрт сарҳадларини кенгайтирган тарихий шахслар, аждодларимиз. Талмеҳ санъатининг ажойиб намунаси бўлган сатрда шоир халққа шонли тарихини эслатиш билан озодликка эришган юртда юз бераётган ўзгаришларга, диний эътиқод, исломга йўл очилганлигига ишора қилади.

Чиллахонасидан чиқмас обидлар

шамоллар емайди чироқларини.

Энди кесолмайди қассоб зобитлар

азонга ўрганган қулоқларини...

Шўро замонида мачитлар отхона, омборхона, ҳатто фоҳишахонага айлантирилганлиги маълум. Ана шундай халқни маърифатга етакловчи маскаларнинг қайта тикланиши, азиз авлиё-анбиёларнинг мақбари обод қилиниши, ибодат қилишга расман рухсат берилиши истиқлол шарофати.

Энди хор қилмайди ҳеч ким қизларни

улар-да ўзларин залил қилмаслар...

Энди Туркистонда ювуқсизларни

ҳалол дарёларда чўмилтирмаслар..."

Асқар Маҳкам “Хуррият” шеърида эса: “Забурдек залворли, Тавротдек таборак, Инжилдек оҳорли, Қуръондек муборак – Хуррият...” деб ёзади. Шоир сўз танлашда ниҳоятда ҳассос ва ҳасис. Сатрлардаги сўзларга диққат қилсак, улар бир-бирини рад этувчи, бир-бирига душмандек саф тортади. Натижада шеърда кураш руҳи пайдо бўлади. “Ювуқсиз (одамлар)” – “ҳалол дарё” сингари кутилмаган параллеллик шеърдаги ички драматизмни кучайтиради, бир сатрнинг ўзида конфликт ҳосил қилади.

Асқар Маҳкам шеърлятида ўлим мавзуси бошқа шоирлар ижодига нисбатан кенгрок кўламда ёритилади. Бизнингча, бу шоирнинг руҳонияти ва исломий ақидаси билан боғлиқ. Ислом динида ҳам ўлимни унутмаслик, ўлимга тайёргарлик кўриш, инсон ўзининг моҳиятини англаши учун руҳан покланиши, ўлмасдан бурун ўлиши лозимлиги

уктирилган. Аллоҳ инсонни Ўз ҳабибига муҳаббати боис, ўзини тамошо қилиш учун яратди, инсоннинг вазифаси ўзини яратганни таниш, бандалик вазифасини бажариш, ўзининг нима мақсадда яратилганини англашдан иборат. Бу дунё имтиҳон, синов бўлиб, эзгу сўз, эзгу фикр, эзгу амал билан яшаш инсонларни ҳар икки дунё саодатига етаклайди. Бу ҳақда илоҳий китобда шундай дейилган: “(Эй инсонлар, У) сизларнинг қайсиларингиз чиройлироқ-яхшироқ амал қилгувчи эканлигингизни имтиҳон қилиш учун ўлим ва ҳаётни яратган Зотдир. У Қудратли ва Мағфиратлидир”.⁵ (Қуръони карим, «Мулк» сураси, 2-оят).

Шоир “Узилади япроқлар секин...” деб бошланадиган шеърида ҳамма нарса ўткинчи, омонатлигини, хотиралар оқибат бир кун япроқ сингари йўқликка кўчишини ва ўзининг ҳам охири Япроқ бўлганлигини ёзади. Дунёга, унинг неъматларига дил берганлар, инсон муҳаббат билан бутун бўлишини англай олмаганларга ачинади ва бу тоифадаги кишилар билан ҳеч қачон яқин бўлмаслигини, ҳатто ўлим ҳам бу фарқ олдида ожизлигини таъкилайди:

Дараларда дайди туманлар
харсангларга ситиб ташлар ёш.
Муҳаббатга нондек тўйганлар
бизнинг гўрга қўймагайлар бош.
Кўз ёш бўлдик охир бизлар ҳам...

Шоир ўз туйғулари баёни учун мутлақо янги, оҳори тўкилмаган, оригинал ўхшатишлар топади:

Чўккан мазор каби чўккан ҳис
титроқ солар жонимга ёмон.
Ва тупроққа яланг босиб тиз
оёғингда ётарман, армон...

Армон бўлдик охир бизлар ҳам...⁶

Шоир нима ҳақида, қайси мавзуда сўзламасин гап Ватанга бориб тақалади. Асқар Маҳкам шеъриятининг тиргаклари, таянч нуқталари Ватан, Халқ, Эрк, исломий Ўятиқод.

Кулфат итлари сур тортган кечада
деворларни егач оч қумурсқалар.
Бир сағир Ватанни тутиб елкада
қаён кетяпсан Асқар...

Кулфат итлари – ваҳший, қонхўр мустамлакачилар;

сур тортган кеча - эрк, ўтиқод оёқости бўлган истибдод даври;

деворларни егач оч қумурсқалар – юртнинг бойликларини ташиб кетиш билан нафси қонмаган, ҳатто унинг ғурури баланд ўғлонларини, покдомон қизларни қулга

⁵ Қуръони карим ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи шайх Алоуддин Мансур. Тошкент, Чўлпон нашриёти, 1992, 768 бет.

⁶ Асқар Маҳкам. *Ҳақ Nurafshon business*. Тошкент-2021. 63-бет.

айлантирган, бошпанасини ҳам вайрон қилган истилочилар. Шу ўринда девор ор-номус, эрк рамзи эканлигини ҳам унутмаслик керак..

Бир сағир Ватан – Алпомишлари бадном қилинган, Файзулла Хўжаев, Фитрат, Қодирий, Чўлпонлари отилган, ўзининг эркпарвар фарзандаларидан жудо бўлиб етим қолган юрт

қаён кетяпсан, Асқар... – Шоир ўзини сўроққа тутди? Ўзини маломат қилишига сабаб, у ўзини мана шунча жаҳолат, ҳақсизликларни кўра била туриб Жим турганликда айблайди. Шунинг учун ўзига “Ҳали сен одамман дедингми ўзни бош ҳам кўтардингми издиҳом аро? Сен Аллоҳ саси деб англаган сўзни еди шуаро...”, дейиш орқали, ижтимоий-сиёсий тузумга айб қўяди.

Қара, девонларнинг илвирик жилди

Қорилган туфроққа сен-да қорилдинг...

«Эрк» дединг, бўғзингни қиличлар тилди

ва сўзлар дорига осилдинг...

Қатағон даврида нафақат миллатнинг довурак ўғлонлари, ақли доно оталари, закий қизлари бадном қилинган, ҳатто маънавий меросимиз бўлган нодир китоблар сувга оқизилган, тупроққа ёки қудуқларга кўмилган, оловга ташланган. Китобларни йиғлаб туриб, жаноза ўқиб кўмилгани ҳам аччиқ тарихий ҳақиқат. Илм-маърифатдан ажратиб қўйилган халқ жоҳилликка юз тутиши, ўзлигини унутиши муқаррар. Тоталитар тузум, шўро сиёсатининг асл мақсади мустабид халқларнинг зиёлиларини оммавий қирғин қилиши, уларни арзон ишчи кучи, тирик кулларга айлантиришида аниқ намоён бўлади. Исломий китоблар билан бир қаторда, “Ўткан кунлар”дек асл китобларнинг таъқиб қилинишидан кўзланган мақсад-муддао ҳам шунда эди.

Яна кумурсқалар деворни ковлар

яна чиққан жондек ёнар лолалар...

Қайда тобуткашлар, қайда гўрковлар

Эркнинг тобутида ётар болалар...

Жонли тасвирда хароб бўлган миллат, вайронага айланган юрт, қирғин қилинган хур фикрли инсонлар гавдаланади. Шоир шўро тузуми халқ бошига келтирган кулфатни тарихий ҳақиқатларга мос поэтик талқинини маҳорат билан ифодалай олган.

Тарих тўзонига қорилиб, қийраб,

қириб келганларни ҳазм этди ерлар.

Тупроқ кулбаларда чирлаб, чинқираб,

туғиларми яна номусли эрлар?..

Бағримиз ҳувиллаб қолганда куздек

юракни еганда қайғу, қутқулар...

Туғиларми сувлар юзида муздек

сочларин бешикка сочган сулувлар?

Саҳрода адашган карвон мисоли

дуч келгач қум тўла қакраган чоҳга,
Ватаннинг яна бир ҳабаш Билоли
чақирарми бизни ибодатгоҳга?.

Охират шарпаси ёвуқ келганда
топиларми гўрдан қўпадиганлар?

Дунёга келарми «Ватан» деганда
юраги ёрилиб ўладиганлар?..⁷

Эътибор берсак, шеърда илгари сурилган ғоя, мақсад ва муддао, айтилмоқчи бўлинган фикр “қинидан суғуриб олинган қиличдек” яраклаб кўринади. Бу эса шеърда ифодаланган бирикмаларда намоён бўлади:

Тупроқ кулбалар – меҳнаткаш, ору номусини баланд тутган халқ тимсоли;

хувиллаб қолганда куз– озодлигини бой берган, эркидан ажраган юрт

сочларин бешикка сочган сулувлар – қадриятлар, анъаналар, ҳаётнинг давомийлигига қарши қаратилган ҳаракат, эртанинг аччиқ соғинчи;

Саҳрода адашган карвон– бўлиниб, пароканда бўлиб ётган юрт, мустабид тузум остида яшашга имкон яратиб берган хонликлар ва амирлик.

Тугиларми сувлар юзида муздек

сочларин бешикка сочган сулувлар

Бешик устида сочларини ёйиб фарзандига алла айтаётган она – дунёдаги энг гўзал аёл, дейиш мумкин ва шундай дейиш ҳақиқатга мувофиқ. “Сувлар юзида муздек” бирикмаси ноёб топилма. Муздек тиниқ, шаффоф юз. Ҳозиргача онанинг юзи музга ўхшатилмаган. Музнинг ортида ҳаёт– тириклик бор. Нега айнан муз, совуқ?! Чунки халқ кул, эрксиз, онанинг юзидаги совуқлик ана шундан. Кейинги қисқа сатрларда шеър ўзининг баланд пардасига кўтарилади, фикрлар портлайди:

Дунёга келарми «Ватан» деганда

юраги ёрилиб ўладиганлар.

Эрк, озодлик соғинчи, миллатпарварлик руҳи қон-қонига сингиб кетган шоир ёза олиши мумкин бўлган шеър. Сўфийликда жазба-экстаз ҳолида ҳақ ошиқлари Аллоҳ– Ёр ҳақида сўз айтилганда ҳаяжоннинг зўридан жонлари узилган. Илоҳий завқ ва ишқнинг қудрати шунда намоён бўлади.

Хулоса. Асқар Маҳкам шеъриятида мавзу ранг-баранглиги шоир ва халқ дардининг муштараклик, уйғунлик, бирлик ҳосил қилинганлиги натижаси бўлиб, унда одамзотнинг мураккаб ва сирли хилқат эканлиги, инсониятнинг зиддиятларга тўла қиёфаси турли кўринишларда тасвирланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

⁷Асқар Маҳкам. Ҳақ Nurafshon business”. Тошкент-2021.

1. Асқар Маҳкам. Ҳақ Nurafshon business”. Тошкент-2021. (Askar Mahkam. Haq Nurafshon business". Tashkent-2021). Askar Mahkam. Haq Nurafshon business". Tashkent-2021)
2. Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърляти.// Шеърлят идрок элягидя. Т.: Фан, 2007. (Rahimjonov N. Uzbek poetry of the period of independence.// Poetry in the sieve of perception. T.: Science, 2007)
3. Shuxratovna Q. M. ASQAR MAHKAMNING POETIK OBRAZ YARATISH MAHORATI //INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2024. – 2024. – Т. 3. – №. 33. – С. 1-4.
4. Shuxratovna Q. M. ASQAR MAHKAM LIRIKASIDA AYOL OBRAZI //SCIENTIFIC ASPECTS AND TRENDS IN THE FIELD OF SCIENTIFIC RESEARCH. – 2024. – Т. 3. – №. 25. – С. 37-40.
5. Shuxratovna Q. M. ASQAR MAHKAMNING BADIY MATN YARATISH MAHORATI //PROSPECTS AND MAIN TRENDS IN MODERN SCIENCE. – 2024. – Т. 2. – №. 14. – С. 27-29.
6. Shuhratovna Q. M. ASQAR MAHKAM SHERIYATIDA ISHQ //INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CONFERENCE. – 2024. – Т. 3. – №. 26. – С. 68-70.
7. Shuxratovna Q. M. ASQAR MAHKAM TARJIMALARI //INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CONFERENCE. – 2024. – Т. 3. – №. 26. – С. 71-73.
8. Qudratova M. ASQAR MAHKAM SHE'RIYATIDA VATAN MAVZUSI //Prospects of Uzbek applied philology. – 2022. – Т. 1. – №. 1.